O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
SHEROBOD TUMANI
HOKIMINING
Q A R O R I

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ШЕРАБАДСКОГО РАЙОНА

20 20 y « 30 » апрель №К-825 « » 20 г

Вилоят хокимининг 2020 йил 21 апрелдаги "Вилоят бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг тасдикланган харажатлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги К-183-сонли қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 147-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-589-сон Қонунининг 8-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан ҳамда вилоят молия бош бошқармасининг 2020 йил 14 апрелдаги 22-01-04/1550-сон хатини инобатга олиб,

КАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарорига асосан туман бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг 2020 йил 1 февралдан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам миқдори 1,07 баробарга оширилганлиги;

туман маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорига киритилаётган ўзгаришлар миқдори 10 фоиздан кам эканлиги инобатга олинсин.

2. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2019 йил 18 декабрдаги V-XXXXXVI/246-сонли қарори билан тасдикланган 2020 йил учун Шеробод туман бюджетидан маҳаллий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Туман молия бўлими (И.Қўшоков)га 2020 йилги бюджет ижросини сифатли амалга ошириш ва кредитор қарздорликка йўл қўймаслик мақсадида туман бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бюджет муассасаларининг 2020 йил харажатлар режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат килиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари У.Панжиев зиммасига юклансин.

Хоким **А.Амиров**